

АПРЕЛЬ
ЕР САЙЁРАСИ-УМУМИЙ УЙИМИЗ

Гуруҳ		Ўрта					
Мавзу		Гуллаб-яшнаётган баҳор					
Муддати		Апрель ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларнинг саломатлигини яхшилаш, организмни чиниқтириш ишларинидавом эттириш. Кун тартибига мувофиқ болаларнинг очик ҳавода кўпроқ бўлишини таъминлаш. Умумий жисмоний ривожланишга ва болаларнинг ҳаракатчанлигига кўмаклашиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	“Баҳорий кайфият” иборасини бола онгига сингдириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларни расмда тасвирлаган буюмларни топишга, нутқини шакллантириш, баҳор фаслини таърифлашга ўргатиш, боғ ва томорқадаги баҳорги ишлар билан таништириш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Дарахтларни уларнинг асосий белгилари: танаси, баргларига кўра фарқлашга ўргатиш. Дарахтларни таърифига кўра топишга, ўсимликларнинг ташқи кўриниши ва ўсиш шароитлари ҳақидаги маълумотларни бериш. Буюмлар орасидан конусни топишга ўргатиш. 5 гача санашни ўргатиш, тезлик, чакқонлик, диққат, хотирани ривожлантириш					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқанинг ҳиссий жиҳатини эшитиш ва тушуниш, пластилиндан мойчечакни ясай олиш, жамоа бўлиб композицияни ярата олиш. Тўғри чизик бўйича, бурчакларни юмалоқ қилиб кесишни ўргатиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, ясаш ва математика	Баҳор расми	Геометрик шакллар. Конус. 5 гача санаш.				Керакли анжомлар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Саҳна кўриниши: “Ўжар эчкилар” ўзбек халқ эртагидан парча					Никоб, эртак атрибутлари, эртакка оид расмлар
	Тил ва нутқ	Н. Раимовнинг “Ялпиз” ҳикоясини қайта ҳикоя қилиш		Ҳикоя тузиш: Баҳор келди			Мавзули расмлар, бадий адабиётлар, АКТ
	Фан ва табиат	Гуллаётган дарахтни кузатиш					Керакли анжомлар
	Санъат	Лой иши: Мойчечак	Аппликация: Сехрли боғ		Расм: Гуллаётган дарахт		Намуна, концелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

АПРЕЛЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА ГУЛЛАБ ЯШНАЁТГАН БАҲОР

Кўриш, яшаш ва математика маркази

Мозаикадан яшаш: Баҳор расми

Мақсад: болалар тайёр расм ёки тайёр намунани томоша қиладилар ва мозаикадан қурилма ясайдилар, тасаввурлари, идроки ва майда қўл моторикаларини ривожлантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мозаика, мавзу бўйича расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Баҳор” расмини томоша қилиш.
2. “Бу қандай бўлади” таълимий ўйини.
3. “Расмни йиғиш” таълимий ўйини.
4. Мозаикадан лойиҳалаш.
5. Болаларнинг ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: “Гуллаётган баҳор” иллюстрацияси, “Йил фасллари”, “Яхши ва ёмон” таълимий ўйинларида иштирок этиш.

Эътиборга молик жиҳати: конструктив ечимларни топа билиш, бошланган ишни охиригача етказиш, болалар ижодини ривожлантириш.

Кўриш, яшаш ва математика маркази

Конус. 5 гача санаш.

Мақсад: болалар геометрик шаклларни биладилар, геометрик шаклларни атроф-муҳитдаги буюмлар шакли билан таққослайдилар, 5 гача санайдилар, рақамларни буюмлар билан таққослай оладилар. Қоғоз варағи бўйича мўлжал оладилар (ўнгда, чапда, юқорида, пастда).

Керакли жиҳоз ва материаллар: геометрик шаклли карточкалар, 1 дан 5 гача рақамли карточкалар, қоғоз варағи.

Фаолиятнинг бориши:

1. 5 гача санаш, рақамларни буюмлар билан таққослаш.
2. Расмларга қараб “Қўлқоп” эртагини намоёйиш қилиш.
3. Конусни бошқа геометрик шакллар билан таққослаш.
4. “Тиламчани геометрик шакллар билан беа” таълимий ўйини.
5. “Қоғоз варағини чамала” таълимий ўйини.
6. “Фигуранинг йиғ” таълимий ўйини.
7. Бажарилган ишлар юзасидан муҳокама ва рағбатлантириш.

Қўшимча: математик лото, ҳисоб таёқчалари билан ишлаш, геометрик шаклни яшаш, бирдан ўнгача бўлган рақамларни ифодаловчи расмлар

Эътиборга молик жиҳати: мантиқий фикрлаш, тинглаш, кўриш қобилиятини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

“Ўжар эчкилар” ўзбек халқ эртагининг саҳна кўриниши

Мақсад: болалар эртак мазмунини биладилар, қаҳрамонларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини белгилай оладилар, актёрлик маҳоратини намоёйиш қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қаҳрамонлар ниқоблари, эртакка тегишли ашёлар, расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртак мазмуни бўйича суҳбат.
2. Эртакка оид расмлар ёрдамида театр саҳналаштириш режасини тузиш.
3. Ролларни тақсимлаб, тегишли ашёларни танлаш.

4. Эртакни сахналаштириш.

5. Муҳокама ва рағбатлантириш.

Қўшимча: эртакни ўқиш, эртакка доир иллюстрацияларни томоша қилиш.

Эътиборгамолик жиҳати: бир-бирларини тинглаш, жамоада аҳил бўлиб ўйнаш кўникмалари, ижодий қобилиятларни намоиш қилиш.

Тил ва нутқ маркази

Н.Раимовнинг “Ялпиз” ҳикоясини қайта ҳикоя қилиш

Мақсад: болалар ялпиз, кўкат сўзларининг маъноларини тушунадилар, диққат билан тинглаш, қайта ҳикоя қилиб беришга ўрганадилар, фаол нутқни шакллантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳикоя мавзусига мос расмлар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ялпиз ўсимлиги билан танишиш.
2. “Ялпиз” ҳикоясини аудио эшиттириш.
3. Расмлар асосида қайта ҳикоя қилиш.
4. Муҳокама ва рағбатлантириш

Қўшимча: болаларни асарни ифодали айтиб беришга ўргатиш, болалар билан ялпиздан кўк сомса тайёрлаш ва улар билан меҳмон қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: табиатга нисбатан меҳр ҳиссини тарбиялаш.

Тил ва нутқ маркази

Ҳикоя тузиш: Баҳор келди

Мақсад: болалар баҳор мавзусида ҳикоя тузадилар, баҳор белгиларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: баҳор ҳақида мавзули расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Баҳор фасли ҳақидаги суҳбат.
2. Баҳор ҳақида топишмоқлар топиш.
3. “Бу қачон бўлади?” таълимий ўйини.
4. Баҳор ҳақидаги шеърни ўқиш.
5. Расмлар бўйича баҳор ҳақида ҳикоя тузиш.

Қўшимча: баҳор ҳақидаги шеърни ёдлаш, йил фасллари ҳақидаги топшимоқларни ўрганиш.

Эътиборга молик жиҳати: оғзаки нутқни ривожлантириш. Шеър мазмунини тўғри тушуниш ва товушдаги интонацияларни фарқлаш.

Фан ва табиат маркази

Гуллаетган дарахтни кузатиш

Мақсад: болалар баҳорги табиат гўзаллигидан завқлана оладилар, дарахт қисмлари: танаси, шохлари, гуллари, куртакларини ажрата билишади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: гуллаётган дарахт чизилган расм, дарахт шохи, белкуракча, паншаха, гулчелаклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Болалар боғчаси бўйлаб саёҳатни режалаштириш.
3. Гуллаётган дарахтларни кузатиш.
4. “Таърифига кўра дарахтни топ” таълимий ўйини.
5. “Ўхшаш баргни топ” таълимий ўйини.

Қўшимча: баҳор ҳақидаги шеърни мазмунли ўқиш, баҳорда гуллайдиган дарахт номларини билиш ва уларни кузатиш имкониятини яратиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда кузатувчанлик қобилияти, тасаввур, идрокларини ривожлантириш.

Санъат маркази

Мойчечак

Мақсад: болалар ҳажмли композицияларни ярата оладилар, яшаш бўйича техник кўникмаларни эгаллайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, пахта таёқчалари, гофра қилинган қоғоз, яшаш учун клеёнка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуллар иллюстрациясини томоша қилиш.
2. Топишмоқлар айтиш. Шеърларни ўқиш.
3. Мойчечак гулини яшаш кетма-кетлиги тасвирланган схема билан танишиш.
4. Амалий иш фаолияти.
5. Болалар ижод намуналари кўргазмаси.

Қўшимча: гуллар иллюстрациясини томоша қилиш, таълимий ўйинлар.

Эътиборга молик жиҳати: пластилин билан ишлай олиш, тасаввурни бойитиш, ижодий ёндашиш.

Санъат маркази

Аппликация: Сехрли боғ

Мақсад: болалар аппликация яшашда янги усулдан фойдаланадилар, картонга ёпиштирилган мато ёрдамида манзара ясадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли рангдаги А-4 ҳажмли картон, мато парчалари, майда квадратларга бўлинган рангли қоғоз, ПВА елими, намуналар, мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни томоша қилиш.
2. Болаларни аппликация яшашнинг янги техникасига ўргатиш.
3. “Дарахтни таърифига кўра топ” таълимий ўйини.
4. Амалий иш фаолияти.
5. Болалар ижоди намуналари кўргазмаси, рағбатлантириш.

Қўшимча: болалар билан сехрли боғ ҳақида суҳбат, “Ўхшаш япроқни топ”, “Тўртинчиси ортиқча” таълимий ўйинлари.

Эътиборга молик жиҳати: елимни эҳтиёт бўлиб ишлатиш кўникмаси, бармоқлар майда моторикасини ривожлантириш, тасаввурни бойитиш, мустақиллик, фаолликни тарбиялаш.

Санъат маркази

Расм: Гуллаётган дарахт

Мақсад: болалар гуллаётган дарахт ҳақида биладилар, дарахт расмини чизадилар, пахта таёқчалари ёрдамида гулларни тасвирлайдилар, рангларни биладилар, мустақил ишлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз варағи, бўёқлар, пахта таёқчалари, сувли банкалар, салфеткалар, иллюстрация – гуллаётган дарахт.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуллаётган дарахтни томоша қилиш.
2. Шеърни ўқиш:

Олча гуллаши билан
Болари етиб келди.
Унинг нияти битта -
Кўпроқ асал йиғиш-да.

3. Расм чизишнинг янги усуллари билан танишиш.
4. Амалий иш фаолияти.
5. Болалар ижод намуналари кўргазмаси.

Қўшимча: баҳорда табиатда содир бўладиган ўзгаришларни кузатиш; Гуллаган меваги дарахтлар номини билиш, гулларининг ранги, исига кўра фарқлашга ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: баҳор ҳақидаги тасаввурни мустаҳкамлаш, таъсирчанликни ривожлантириш, ижод, ҳаёлни ривожлантириш.